


# Навбатдаги медиа-тур туман тиббиёт бирлашмасида

## Навбатдаги медиа-тур туман тиббиёт бирлашмасида



Бугун 29 апрель Музработ тумани Тиббиёт бирлашмасида Музработ тумани ҳокими Э.Алимов бошчилигида мутасаддилар "Музработ" газетаси, ижтимоий тармоқ фаоллари иштирокида "Туманда Электрон тизимда фаолият юритаётган тиббиёт муассасаси" мавзусида медиа-тур ташкил этилди.

Медиа-тур иштирокчилари Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб боилаётган ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор бўлишди.

Музработ тумани тиббиёт бирлашмаси бош врачлари Рустам Одинаев шундай дейди:

Сурхондарё вилоятида 236 та тиббиёт муассасаси фаолият юритаётган бўлиб, ҳозирда уларнинг аксарияти энг сўнгги замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Лекин, энг катта муаммо ана шу шифохоналарда ишлайдиган билимли, малакали кадрларнинг камлигидадир.

Ў вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида 3986 нафар врач фаолият юритади. Республика бўйича ҳар 10 минг аҳолига врачлар билан таъминланганлик 23 нафарга етган бир пайтда вилоятимизда бу

кўрсатгич 15 нафарни ташкил этади дейси Р.Одинаев ўз сўзида.

